

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА

ЧЕТ (ИНГЛИЗ, НЕМИС, ФРАНЦУЗ) ТИЛЛАРИ ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
КОНЦЕПЦИЯСИ

ДОИМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ушбу концепция Ўзбекистон Республикасида умумтаълим фанлари дастурларини амалга оширадиган муассасаларда (кейинчалик – таълим муассасалари) чет (инглиз, немис, француз) тилларини ўқитишнинг асосий масалалари, таянч тамойиллари, мақсад, вазифалари ҳамда устувор йўналишларини ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини белгилайди, шунингдек, соҳага оид комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Чет тиллари фанини ўқитишни ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 29 апрелдаги пф-5712-сонли фармони асосида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”, Ўзбекистон Республикаси президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

Ушбу концепция халқ таълими тизимида чет тиллари ўқитишни ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини белгилаб беради.

Бунда:

- замонавий инновацион иқтисодиёт талабларига мувофиқликни таъминлаш мақсадида умумтаълим давлат таълим стандартлари тизимини мунтазам равишда такомиллаштириш;
- бир-бири билан узвий боғлиқ бўлмаган фанлар асосида тузилган ўқув дастуридан босқичма-босқич воз кечиш ва ўқув фанлари сонини оптималлаштириш;
- таълим соҳаси ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим меъёрларини белгилаш тажрибасидан миллий хусусиятларни ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;
- танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш компетенциялари ва малакаларининг ривожланишига алоҳида урғу беришни ҳисобга олган ҳолда, замонавий инновацион иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган чет тиллари умумтаълим дастурлари ва янги давлат таълим стандартлари жорий этиш;
- чет тиллари фанини давлат таълим стандарти талабларининг таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

- чет тиллари фани бўйича умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган малака талабларини амалиётга татбиқ этиш;
- чет тиллари фани мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек, ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнини индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш;
- чет тиллари фанини умумтаълим фанлари билан ўзаро интеграцияси ва ўқувчиларнинг чет тилини реал ҳаётда ишлата олиш (real life communication)га йўналтириш ишларини ташкил этиш;
- чет тиллари фанининг мазмунини, мустақил ҳаётда қўллаш имконияти бўлган чет тили фани саводхонлигини, 21-аср кўникмаларини, яъни танқидий ва креатив фикрлаш, социолингвистик ва прагматик компетенцияларини шакллантириш;
- халқ таълими тизимида чет тилларини ўқитишда инклюзив таълим дастурлари етарли даражада ривожлантириш;
- имконияти чекланган болаларга чет тилларини ўқитишда инклюзив таълим тизимини такомиллаштириш;

II. ЧЕТ (ИНГЛИЗ, НЕМИС, ФРАНЦУЗ) ТИЛЛАРИ ПРЕДМЕТИНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Ўзбек халқи илм-фан тарақиётига тамал тошини қўйган ва форс-тожик, араб тилларида ижод қилган олиму уламаолар авлодлари сифатида қадим-қадимдан нафақат ўз она тили балки дунё тилларини ўрганишга катта қизиқиш билдириб келади. Бугунги кунда ҳам чет тиллари предмети давлат таълим тизимида инсонинг шахс сифатида шаклланиши, камол топиши ва дунёвий билимини оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун давлат томонидан чет тилларини ўқитиш тизими узлуксиз такомиллаштириб келинмоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистон ёшларини дунёнинг нуфузли университетлари талабари, халқаро олимпиадалар ғолиблари ҳамда кўплаб соҳаларнинг етакчилари сифата кўра оляпмиз. Келажакда ҳам бу саъй-ҳаракатларни давом эттириш асносида ёшларимизни Ўзбекистон Республикасини умумжаҳон цивилизациясидаги ўрнини кўтариш ва янада ривожлантиришга ҳисса қўша оладиган кадрларга айлантиришга

эришиш давлат таълим стандартининг асосий мақсадларидан бири бўлиши лозим.

III. КОНЦЕПЦИЯНИНГ МАҚСАД, ВАЗИФАЛАРИ

III.1. Чет тиллари таълимини ривожлантириш концепциясининг асосий мақсадлари:

- Ўзбекистон Республикасида таълимнинг барча босқичларида чет тилини ўқитилишини узвийлигини таъминлаш ҳамда келажак авлодни кўп маданиятли дунёда кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб бориши учун чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантириш;

- таълим ва тарбия жараёнини уйғунлаштириб, ўқувчиларда бошқа миллат ва элатларнинг маданияти, урф одатлари ва анъаналарига ҳурмат туйғусини шакллантириш;

- уларда реал ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириш, креатив ва танқидий фикрлаш қобилиятини шакллантирилишидан иборат.

III.2. Чет тиллари таълимини ривожлантириш концепциясининг мақсадини амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

- 21-асрнинг тез, ўзгарувчан ва доимий янгиланиб борадиган ахборот ва техника манбаини инобатга олган ҳолда чет тилларининг ўқитиш тизимини мослашувчанлигини, янгиланиб боришини таъминлаш ҳамда фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ўзида акс эттириши;

- таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш орқали инновацион инфратузилмани шакллантириш;

- таълимнинг барча босқичларида чет тилларини ўқитилишининг узвийлигини ва ёндош фанлараро боғлиқликни таъминлаш;

- фан мавзуларининг мазмунан яхлитлигини, мантиқий кетма-кетлик ва изчиллигини, ўқувчи ёши ва психофизиологик хусусиятларига мос ҳолда фактлар, тушунчалар ва қоидаларни тушунарли баён қилиниши;

- чет тиллари фанининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини, малака талаблари ва шакллантириладиган компетенциялардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш, ҳамда баҳолашнинг барча босқичларида ўқувчининг Давлат таълим стандарти асосида олган билим, кўникма ва малакасига мос талаб белгилаш;

- ўқувчиларда реал ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириш ҳамда креатив ва танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш орқали уларни ўз фикрларини чет тилларида эркин баён эта олишларини, ўрганилаётган тилда тақдим этилган маълумотни англай олиш кўникмаларини шакллантирувчи педагогик технологиялардан фойдаланиш;

- келажакимиз бўлган ёш авлодни дунёнинг ривожланган мамлакат фуқаролари билан рақобатлаша оладиган комил инсон сифатида тарбиялаш тизимининг бир бўлагига айлантириш.

IV. ЧЕТ ТИЛИ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР

2013-2014 – ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А. Каримовнинг 2012-йил 10-декабрдаги “*Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида*”ги 1875 – сонли қарори асосида умумий ўрта таълим мактабларида чет тиллари сифатида инглиз тили, немис тили ва француз тиллари биринчи синфдан ўқитила бошлади. Мазкур қарор умумтаълим мактабларида чет тилларини ўқитиш тизимини тубдан ўзгартирди ва шу қарор асосида дарсликлар янгиланди. Қилинган саъй-ҳаракатлар натижаси сифатида кўплаб ютуқларни санаш мумкин, аммо тизимда бир қатор қайта кўрилишга эҳтиёж сезилган муаммоли вазиятлар ҳам йўқ эмас.

Олий таълим ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий марказларида методист мутахассислар ва олимлар озчиликни ташкил қилади. Бу ўз навбатида, талабалар, курс тингловчиларининг методик тайёргарлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айни пайтда методист мутахассислар тайёрлаш ва илмий кадрлар етиштириш чет тиллар тизимида кам эътибор қаратилаётган

соҳалардан бири. Ҳозирги кунда амалдаги методист мутахассислар эътиборини ўқитувчиларга менторлик қилишдан кўра кўпроқ норматив ҳужжатларга вақт ва энергия сарифланиши кузатилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан таълим сифатига жуда катта таъсир кўрсатмоқда.

Халқ таълимда чет тилларни ўқитишда номукамалликлар туфайли олий таълим битирувчиларнинг назарий тайёргарлик ҳамда амалий компетенциялари ўртасидаги боғланишларида бўшлиқлар юзага келган. Бунинг оқибатида эса таълим тизимида рақобатдошлик талабларига жавоб бермайдиган кадрларнинг сонининг ошишига сабаб бўлмоқда. Баъзи юқори синф ўқитувчиларининг билим савияси А2 даражасида қолиб кетган.

Масофадан ўқитиш, педагог ходимларнинг ўз устида давомли ва самарали ишлаш тизими йўлга қўйилмаган.

Вилоят, туман ва шаҳар халқ таълими муассасаларида бевосита ўқитувчилар билан ишлайдиган методист (ментор)ларнинг илмий савияси, методик салоҳияти ва ташкилотчилиги борасида ҳам катта муаммолар кузатилади.

IV. 1. Мотивацион табиатли муаммолар:

Чет тилларини ўқитишда мотивация муҳим рол ўйнайди. Тил ўрганиш жараёнида куйидаги мотивацион муаммолар вужудга келган:

1. Юқори синфларда чет тилларини ўрганишга бўлган мотивациянинг йўқолиб бориш сабабларидан бири бу - бошланғич синфларда чет тилларини ўрганиш ўйинлар ва интерфаол методлар орқали амалга оширилади. Юқори синфларда эса мавзулар ўргатилиши интерфаол методлар орқали эмас, балки асосан ўқитувчига марказлаштирилган (teacher centered method) дарсларга айланиб қолган.
2. Коммуникатив компетенция чет тилларини ўқитишда асос ҳисобланиб, бу кўникмани ўзлаштириш барча ўқувчилар учун бирдек осон эмаслиги яна мотивацияни йўқотишга олиб келади.
3. Мотивацион муаммоларнинг сабаб бўлувчи кейинги омил ўз устидаишлаш қобилиятининг етишмаслиги. Ҳар қандай фанни ўрганишда ўз устида ишлаш муҳим роль ўйнайди. Бу, айниқса, чет тилларини ўрганишда зарурдир. Аксарият ўқувчилар мустақил изланишга одатланмаган, ўз устида ишлаш

кўникмасининг етишмаслиги чет тилини муваффақиятли ўзлаштиришга таъсир қилади.

4. Аксарият 10-11-синф ўқувчиларининг асосий мақсадларидан бири бу талаба бўлиш эканлигини ҳисобга олсак, мазкур синф ўқувчиларининг чет тили фан дастурининг университетларга кириш имтиҳонлари талабларига мос келмаслиги, 10-11-синфларда чет тили дастури коммуникатив компетентцияни ривожлантиришга ҳамда тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган, бироқ университетга кириш имтиҳон топшириқлари фақат грамматик ҳамда лексик билим ва кўникмаларини талаб этади.

IV. 2. Мазмун-мундарижа билан боғлиқ муаммолар:

Мазмун-мундарижа билан боғлиқ муаммоларнинг асосий сабабларидан бири бу дарсликларни яратиш тизимида хилма-хилликнинг йўқлиги уларни яратиш ва нашр қилишни монополлаштиришга олиб келганлиги ҳамда уларнинг мазмуни, методикаси ва нашр сифатига салбий таъсири ҳисобланади. Худди шундай муаммолардан бири, яратилган дарсликлар бир бирини мантиқан давоми эмаслиги, синфлар кетма-кетлигидаги дарсликларнинг жуда мураккаблашиб ёки соддалашиб кетганлиги қайсидир синфларда ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишларини сўнишига сабаб бўлмоқда. Масалан, амалдаги 5-синф инглиз тили фани дарслиги “New Fly High 5” 4-синф инглиз тили фани дарслиги “Kids’ English 4” мазмун-моҳияти ва қийинлик даражасига нисбатан узвий боғлиқлиги таъминламаган. 10-11-синф дарсликлари бугунги кун талаблар даражасига мослаштирилган бўлиб, аммо бу дарсликларда талаб қилинган билим ва кўникмалар 6-9-синфларда шакллантирилмаганлиги кузатилмоқда. Шунинг учун, юқори синфлардаги мавзуларни ўзлаштиришда ўқувчилар қийинчиликларга учрамоқда. Масалан, 10-11-синф дарсликларидаги машғулотлар ўқувчиларнинг креатив ва танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга асосланган, аммо бу кўникмалар қуйи синф дарсликларига етарли даражада киритилмаган. Юқори синфлардаги дарсликларда янги сўзлар инглиз тилида изоҳланган, ваҳоланки бу

кўникмаларни 8-синфдан бошлаб аста-секинлик билан киритилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Қолаверса, Давлат таълим стандартлари компетенциявий ёндашувга асосланганлигига қарамасдан, ўқитиш ва баҳолаш методлари, шунингдек дарсликлар ва бошқа ўқув материалларини асосан ахборотни ёдлаш ва баён қилишга қаратилган бўлиб, танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари ва бошқа малакаларни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда. Шу туфайли фойдаланилаётган дарсликлар сифатини ошириш, хорижий ўқув қўлланмаларини кўшимча ёки муқобил ўқув материаллари сифатида қўллаш амалиётини йўлга қўйиш талаб этилмоқда.

Шунингдек, хорижий тилларни ўқитиш худди ахборот-коммуникация технологияларини ўқитиш жараёни каби методик ёрдамга муҳтожлиги маълум бўлмоқда.

IV. 3. Тил билиш даражаси билан боғлиқ муаммолар:

Синфлар кесимида белгиланган билим, кўникма ва малака даражаларининг бошланғич синфлар учун белгиланган А1 даражаси талабини бажаришда ўқувчиларни қийинчиликка учраши шу йилларда кузатилди. Амалдаги Чет тиллари Давлат стандартида белгиланган А1 даражаси 4-синф охирида эмас, балки ушбу кўрсаткич 6-синф охирига ўзгартирилиши таклиф қилинмоқда.

IV. 4. Методик характердаги муаммолар:

Чет тиллари чуқурлаштириб мактаблар учун қўйилган талаблар ва фойдаланиладиган кўшимча адабиётлар билан боғлиқ жараёндаги муаммолар сабабли Республика бўйлаб ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқитиладиган кўшимча дарс соатларида ҳар хиллик вужудга келган. Бу эса ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиларининг билим ва кўникмаларини ташқи назорат қилишда қийинчиликларни келтириб чиқарди.

IV. 5. Кадрлар билан боғлиқ муаммолар:

Халқ таълими тизимида кадрлар билан боғлиқ муаммолар сифатида куйидаги ҳолатларни келтириш мумкин:

- мавжуд малака ошириш тизими ўқитувчилар эҳтиёжларига мос эмаслиги, малака ошириш курслари мазмуни ва қўлланиладиган усуллар эскирганлиги, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини қўллаш орқали ўқитувчиларни масофадан қайта тайёрлаш механизми йўлга қўйилмаганлиги ўқитувчиларнинг билим ва малакасини тизимли ошириб бориш имконини бермаяпти;
- педагог кадрларни ишга қабул қилишда уларнинг малака даражасини аниқлаш учун аниқ талабларни ишлаб чиқиш эҳтиёжи мавжуд;
- бўлажак педагоглар учун педагогик фаолиятга мойиллик, ижодкорлик қобилиятларини ва танқидий фикрлашини аниқлаш ва баҳолаш имкониятини берувчи методларни ишлаб чиқиш зарурати бор;
- педагогларнинг масофадан малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш ва қамровини кенгайтириш;
- кўп йиллик меҳнат стажига эга юқори малакали ва тажрибали педагоглар инглиз тили ёки компьютер саводхонлиги бўйича етарли билимга эга эмаслиги сабабли аттестациядан ўта олмаслик ҳолатлари кузатилмоқда.

V. КОНЦЕПЦИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

V. 1. Умумий масалалар.

Қуйидагилар Концепцияни амалга ошириш механизми ҳисобланади:

Ҳуқуқий асослари - шахс тарбиясига оид миллий норматив-ҳуқуқий базани мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга мувофиқ шакллантириш.

Амалга ошириш тизими - вазирлик ва идоралар, муассасалар, давлат ҳамда нодавлат корхона ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Ташкилий-бошқарув асослари:

- концепцияни амалга оширишнинг комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;
- илғор педагогик тажрибаларни аниқлаш, ўрганиш ва уларни оммалаштириш, рағбатлантиришни ташкил этиш;
- концепция самарадорлигини мониторинг қилиш;
- мутахассис кадрлар билан таъминлаш;
- “Филология” йўналишида дарс берадиган педагогларни тайёрлаш;
- (“Инглиз тили”, “Немис тили”, “Француз тили” мутахассислигига) қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини модернизация қилиш;

Илмий-методик асослари:

- шахснинг ижтимоийлашуви ва тил ўрганишга бўлган қизиқишларига оид илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;
- давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқувчилар томонидан билим, кўникма ва малакалар тўлиқ ўзлаштирилишига эришиш;
- чет тили фани ўқув-методик мажмуаларини, шу жумладан таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш;
- чет тили фани дарсликларини яратишда инновацион технологияларни жорий этиш.

V. 2. Тил таълимини янгилаш асослари

Ушбу концепцияда чет тили таълимида лингвистикага оид назарий билимларнинг амалий табиатли нутқий ҳамда прагматик компетенциялар устида ишлашга йўналтирилиши ва унга бўйсундирилиши етакчи тамойил сифатида белгиланади.

○ Чет тили таълимида хорижий тажрибаларга креатив ва танқидий фикрлашга ҳамда 21-аср кўникмаларига таянилади ва мамлакатимизда вужудга келган илғор тажрибалар ўрганилиб, умумлаштирилган ҳолда амалиётга татбиқ этилади.

- Замонавий рақамли технологиялар ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграцияси таъминланади, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурлари ташкил этилади.

- Методик тадқиқотлар натижаларига кўра, таълим олувчиларнинг мустақил ижодий қобилиятларини ривожлантириш устуворлик касб этган мажбурий ҳамда вариатив компонентлар уйғунлигини назарда тутувчи ўқув дастурлари асосида дарсликларнинг янги авлоди яратилади.

- Ўқув материалларини назарий ҳамда амалий ўзлаштиришда ёрдам берадиган методик таъминот: ёрдамчи ўқув воситалари (луғатлар, қомуслар, матнлар тўплами, мультимедиа, мобил иловалар ва ҳ.) яратилади.

- Амалиётдаги мавжуд муаммолар методик тадқиқотлар ҳамда илмий изланишлар натижаларига таянилган ҳолда ҳал этилади.

- Чет тили ўқув предмети бўйича якуний давлат аттестацияси учун баҳоловчи назорат материалларини такомиллаштириш давом эттирилади.

V. 3. Ўзлаштириладиган билим ва малакалар

Ўқув материаллари воситасида ўзлаштириладиган билим ва малакалар қуйидагилардан иборат:

- чет тилининг миллий табиати, ижтимоий ҳодиса эканлиги, унинг қурилиши, вазифалари ва тараққиёти тўғрисидаги зарур билимларни эгаллаш;

- нутқий фаолият турларини (тинглаш, ўқиш, гапириш, ёзиш) интеграция қилган ҳолда яхлит ўзлаштириш, мулоқотнинг барча соҳаларида нутқ малакаларидан тўғри фойдаланишни билиш;

- оғзаки ва ёзма нутқ саводхонлигига эришиш;

- чет тилидаги ижтимоий ҳаётнинг турли қирраларини акс эттирадиган, шунингдек, таълим олувчиларнинг ёш, гендер ва этномаданий хусусиятларини инобатга олиб яратилган матнларни тушуниш ва муносабат билдира олиш;

- ахборот-коммуникатив восита ва ресурслари (чоп этиладиган ва электрон луғатлар, таржимон дастурлари, имловий назорат дастури, қидириш тизимлари ва б.)дан фойдаланиш малакасини эгаллаш;

- якуний давлат аттестациясида битирувчининг нафақат ёзма, айна пайтда оғзаки нутқини ҳам баҳоланишига тайёрлик даражасига эришиш.

V. 4. Чет тиллари фани ўқитувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш

Чет тили ўқитувчилари иш фаолияти сифат ва самарадорлигини оширишда қуйидагилар муҳим саналади:

- чет тили ўқитувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги шакл ва мазмундаги муқобил тизимини яратиш;
- педагог ходимларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда назарий билимлар бериш билан бирга асосий эътиборни нутқий компетенцияларни ўзлаштириш, креатив ва танқидий фикрлаш қобилияти ривожлантириш, ҳамда уларни ўқитиш бўйича касбий тайёргарлик даражасига қаратиш;
- чет тиллари соҳасидаги илғор тажриба, педагогик технология, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, тарғиб қилиш, бунда алоҳида ўрнатилган кўрсатилган педагогларни моддий ва маънавий рағбатлантириш;
- ўқитувчиларнинг билим ва малакасини тизимли ошириб бориш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан ўқиш, малака ошириш ва ўқитишнинг самарадор механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда тизимли равишда такомиллаштириб бориш;
- чет тили фани ўқитувчилари учун касбий тайёргарлигини оширишга ёрдам берадиган ўқув, методик адабиётлар ҳамда дидактик материалларни давомли тарзда тайёрлаб бориш ва етказиб бериш.
- давлат таълим стандартларида кўзда тутилган компетенциялар ва ўқув жараёнини интерактив бошқариш маҳорати тамойилларига асосланган педагог кадрларни малакасини ошириш;

VI. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали чет тили фанини умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитишни ривожлантиришда қуйидаги натижаларга эришиш назарда тутилмоқда:

- концепция умумий ўрта таълимнинг малака талаблари (ДТС)да белгиланган талаблар учун асос бўлади;
- концепцияда белгиланган мақсад ва вазифаларни кенг амалиётга жорий этиш ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал ривожланишига самарали таъсир этади;
- уларда креатив ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш, реал ҳаёт мулоқотига тайёрлаш ва 21-аср кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради;
- чет тили фанини ўқитиш босқичлари, ўқув фани бўйича таълим мазмуни ва малака-талаблари меъёрлари аниқлаштирилади;
- умумий ўрта таълим муассасаларида, замонавий ва инновацион технологиялардан фойдаланиб чет тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришилади;
- таълим муассасаларида чет тилини ўргатиш ва уни билиш даражасини баҳолаш тизими йўлга қўйилади, барча фан соҳаларга оид илмий тадқиқотларда чет тилининг илм-фан тили сифатидаги нуфузи янада ортади;
- ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш;
- ўқувчиларда таълим олишда кучли мотивацияни шакллантириш;
- дарсликлар яратишда хилма хилликни таъминлаш;
- танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари ва бошқа малакаларни ривожлантириш;
- дарсликлар сифатини ошириш, хорижий ўқув қўлланмаларини қўшимча ёки муқобил ўқув материаллари сифатида қўллаш амалиётини йўлга қўйиш;
- хорижий тил фанларини чуқур ўрганишга мўлжалланган дидактик материаллар ва мультимедиа маҳсулотларининг янги авлодлари тайёрланади;

ДОЙМХА